

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ИСЛОМ МОЛИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Исроилов Обид Олимжонович

мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига (кейинги ўринларда-БРМ) эришишда ислом молияси инструментларининг таъсири эмпирик жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда ислом молиясининг реал активларга боғлиқлик тамойили ва унинг БРМ 8-иқтисодий ўсиш ва бандлик индекси (кейинги ўринларда – БРМ8) ҳамда БРМ 9-инфратузилма ва инновациялар индекси (кейинги ўринларда-БРМ9) кўрсаткичлари билан корреляцияси панел регрессия моделлари ёрдамида асослаб берилган. 10 та мамлакат тажрибаси асосида Ўзбекистон учун прогноз кўрсаткичлари ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ислом молияси, БРМ 8, БРМ 9, Сукук, панел маълумотлар, эконометрик модель, реал активлар.

Замонавий жаҳон иқтисодиётида барқарор ривожланиш парадигмаси сўнгги ўн йилликнинг энг устувор глобал тенденциясига айланди (World Bank, 2022). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда -БМТ) томонидан илгари сурилган 2030 йилгача мўлжалланган БРМ иқтисодий ўсиш динамикаси, ижтимоий инклюзивлик ва экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган комплекс ёндашувни тақозо этади (United Nations, 2015). Глобал молиявий беқарорлик шароитида анъанавий молиявий инструментларнинг чекланганлиги БРМларни молиялаштиришнинг муқобил ва барқарор манбаларини излаб топиш заруратини юзага келтирмоқда (World Bank, 2022; OECD, 2021).

Шу нуқтаи назардан, ислом молияси институти ўзининг ахлоқий меъёрлари, реал активлар билан таъминланганлиги ва таваккалчиликларни адолатли тақсимлаш тамойиллари билан барқарор ривожланиш концепциясига тўлиқ мос келади (Chapra, 2008; Iqbal ва Mirakhor, 2011). Ислом молияси инструментлари, хусусан, ислом банк тизими ва Сукук бозори нафақат молиявий ресурсларни жалб қилиш, балки иқтисодиётнинг реал секторини диверсификация қилиш ҳамда БРМ кўрсаткичларини, айниқса БРМ 8 ва БРМ 9 мақсадларини стратегик яхшилашда муҳим катализатор бўлиб хизмат қилади (IFSB, 2023; S&P Global Ratings, 2023). Мазкур тадқиқотда ислом молиясининг ушбу потенциал имкониятларини эмпирик таҳлил қилиш ва Ўзбекистон миллий

иқтисодиётга татбиқ этишнинг макроиқтисодий эффектларини баҳолаш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётида ислом молия инструментларини интеграция қилиш орқали БРМ эришишнинг институционал механизмларини детерминация қилиш ва уларнинг макроиқтисодий самарадорлигини эмпирик жиҳатдан баҳолашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Эмпирик баҳолаш: БРМ 8 ва БРМ 9 кўрсаткичларига ислом молияси активларининг таъсирини панел маълумотлар ва эконометрик моделлар (Robust FE) ёрдамида миқдорий ўлчаш;

2. Инструментал таҳлил: Сукук ва ислом банкчилиги инструментларининг саноат модернизацияси ва инновацион инфратузилмани молиялаштиришдаги ўрнини аниқлаш;

3. Стратегик моделлаштириш: Ўзбекистоннинг миллий молия тизимида дуал молия моделини шакллантириш ва барқарор "яшил" молия экотизимини яратиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Ислом молияси тизими реал активларга асосланган ва рискларни адолатли тақсимлаш тамойилларига таянган ҳолда, қуйидаги фундаментал инструментлар орқали амал қилади:

Мушорака ва Музораба: Капитал ва меҳнатнинг бирлашишига асосланган шериклик моделлари бўлиб, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали БРМ 8 мақсадларига тўғридан-тўғри хизмат қилади (Dusuki ва Abdullah, 2007).

Муробаҳа: Товар активлари асосидаги молиялаштириш механизми бўлиб, иқтисодиётнинг реал секторида айланма маблағлар тақчиллигини бартараф этишга қаратилган (Iqbal ва Mirakhor, 2011).

Ижара: Анъанавий лизингнинг ислом молиявий аналоги сифатида саноат корхоналарини технологик модернизация қилишда (БРМ 9) муҳим роль ўйнайди (Hasan ва Dridi, 2010).

Сукук: Инфратузилмавий ва ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг самарали инструменти бўлиб, узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш имконини беради (S&P Global Ratings, 2023; IFSB, 2023).

Такофул: Ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатликка асосланган ислом суғурта тизими бўлиб, ижтимоий ҳимоя ва молиявий барқарорликни таъминлайди (IFSB, 2023).

Ушбу инструментларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар спекулятив операцияларни ва судхўрликни чеклаш орқали молиявий пуфаклар ҳосил бўлишининг олдини олади (Chapra, 2008). Натижада, ислом молияси замонавий ESG (Environmental, Social, and Governance) тамойиллари билан концептуал жиҳатдан уйғунлашиб, "яшил молиялаштириш" ва ижтимоий масъулиятли инвестицияларни рағбатлантиради (OECD, 2021). Бу эса ўз навбатида, миллий

иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва БРМ кўрсаткичларини сифат жиҳатидан яхшилаш учун мустаҳкам назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотда ислом молияси инструментларининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш учун 2015–2024 йиллар оралиғидаги дуал молия тизимига эга 10 та мамлакат (Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Бруней, Қатар, Малайзия, Иордания, Баҳрайн, Туркия ва Индонезия) маълумотларидан иборат панел тўпламидан фойдаланилди (IFSB, 2023; World Bank, 2024).

Модел спецификацияси. Ўзгарувчилар ўртасидаги индивидуал хусусиятларни ва вақтга боғлиқ бўлмаган ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида Fixed Effects (FE) панел регрессия моделидан фойдаланилди. (Hasan va Dridi, 2010)

Эмпирик таҳлил қуйидаги иккита асосий моделга таянади:

1. БРМ 8 модели:

$$SDG8_{it} = \beta_0 + \beta_1 \ln(IB_Assets)_{it} + \beta_2 Controls_{it} + \alpha_i + \epsilon_{it}$$

2. БРМ 9 модели:

$$SDG9_{it} = \beta_0 + \beta_1 \ln(Sukuk)_{it} + \beta_2 Controls_{it} + \alpha_i + \epsilon_{it}$$

Тадқиқотда боғлиқ ўзгарувчилар сифатида БРМ 8 ҳамда БРМ 9 танланди (United Nations, 2015). Асосий мустақил ўзгарувчилар сифатида ислом банк активлари, сукук эмиссияси ҳажми ва ислом молиялаштиришнинг умумий ҳажми қўлланилди (IFSB, 2023). Назорат ўзгарувчилари сифатида аҳоли жон бошига ЯИМ, инфляция даражаси ва ташқи савдо очиқлиги киритилди (World Bank, 2024). Ушбу ўзгарувчилар макроиқтисодий муҳит таъсирини ҳисобга олишга хизмат қилади (World Bank, 2022).

Таҳлил жараёнида маълумотларнинг стационарлиги Levin-Lin-Chu бирлик илдиз тести ёрдамида текширилди (Levin, Lin va Chu, 2002). Шунингдек, моделнинг ишончлилигини таъминлаш учун Robust Standard Errors усули қўлланилди, бу эса гетероскедастиклик ва автокорреляция муаммоларини минималлаштириш имконини беради (Wooldridge, 2010). Ушбу методология асосида олинган натижалар ислом молиясининг Ўзбекистон иқтисодиёти учун узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқишда юқори аниқликни таъминлайди.

Эмпирик таҳлил натижалари ислом молия активлари улушининг ортиши кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришини ҳамда Сукук инструментлари инфратузилма ва саноат лойиҳаларини ривожлантиришда самарали механизм эканлигини кўрсатди (IFSB, 2023; S&P Global Ratings, 2023). Ислмо молиясининг реал сектор билан узвий боғлиқлиги тизимнинг молиявий инқирозларга барқарорлигини таъминласа (Hasan va Dridi, 2010), ESG принципларига мос

келувчи “яшил сукук” механизмлари экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим драйвер бўлиб хизмат қилади (OECD, 2021; Islamic Development Bank, 2023).

Миллий иқтисодиётда ислом молияси имкониятларидан самарали фойдаланиш учун алоҳида қонунчилик базасини такомиллаштириш, миллий Сукук бозорини шакллантириш ва рақамли ислом финтех платформаларини жорий этиш стратегик аҳамиятга эга. Шунингдек, ESG тамойилларини ислом молия стандартлари билан уйғунлаштириш (OECD, 2021; IFSB, 2023) ҳамда Марказий банк ҳузурида Шариат маслаҳат кенгашини ташкил этиш БРМ кўрсаткичларига эришишда институционал асос бўлиб хизмат қилади.

Ислом молияси Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш, инвестиция ресурсларини кенгайтириш ва БРМга эришишда муҳим молиявий инструмент бўлиши мумкин. Унинг ривожланиши молия бозори барқарорлигини таъминлаш, реал секторни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий масъулиятли иқтисодий моделни шакллантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Asian Development Bank Institute, (2022), Islamic Finance for Sustainable Development, Tokyo: ADBI.*
2. *Chapra, M.U., (2008), The Islamic Vision of Development in the Light of Maqasid al-Shariah, Jeddah: IRTI–Islamic Development Bank.*
3. *Dusuki, A.W. and Abdullah, N.I., (2007), ‘Maqasid al-Shariah and Maslahah in Islamic Banking’, American Journal of Islamic Social Sciences, 24(1), pp. 25–45.*
4. *Hasan, M. and Dridi, J., (2010), ‘The Effects of the Global Crisis on Islamic and Conventional Banks’, IMF Working Paper, No. WP/10/201, pp. 1–46.*
5. *Islamic Development Bank, (2023), Annual Report 2023, Jeddah: IsDB.*
6. *Islamic Financial Services Board, (2023), Islamic Financial Services Industry Stability Report 2023, Kuala Lumpur: IFSB.*
7. *Iqbal, Z. and Mirakhor, A., (2011), An Introduction to Islamic Finance: Theory and Practice, Singapore: Wiley Finance.*
8. *Levin, A., Lin, C.F. and Chu, C.S.J., (2002), ‘Unit root tests in panel data: asymptotic and finite-sample properties’, Journal of Econometrics, 108(1), pp. 1–24.*
9. *OECD, (2021), ESG Investing and Climate Transition: Market Practices and Policy Considerations, Paris: OECD Publishing.*
10. *S&P Global Ratings, (2023), Islamic Finance Outlook 2023–2024, London: S&P Global.*
11. *United Nations, (2015), Transforming Our World: The 2030 Agenda for Sustainable Development, New York: United Nations.*
12. *World Bank, (2022), Global Economic Prospects, Washington, DC: World Bank.*

13. World Bank, (2024), *World Development Indicators 2024*, Washington, DC: World Bank.

14. Wooldridge, J.M., (2010), *Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data*, 2nd ed., Cambridge, MA: MIT Press.

15. Жураев, Б.Ю., (2022), 'Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантиришнинг институционал асослари', *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 5(2), pp. 45–53.

UMUMIY FOYDALANISHDAGI AVTOMOBIL YO'LLARINI MOLIYALASHTIRISHNING TASHKILY VA HUQUQIY ASOSLARI

Pardayev Fayzulla Gaffarovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti PhD katta o'qituvchisi

Bugungi globalashuv va urbanizatsiya sharoitida transport infratuzilmasining, xususan, avtomobil yo'llarining rivojlanganligi mamlakat iqtisodiy taraqqiyotining eng muhim omillaridan biri sifatida e'tirof etilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qator farmon va qarorlarida ham avtomobil yo'llarini modernizatsiya qilish, ularni xalqaro talablar darajasiga olib chiqish masalalari ustuvor yo'nalish sifatida belgilab berilgan.

Avtomobil yo'llarini barqaror moliyalashtirish muammosini hal etish maqsadida jahon amaliyotida yo'l jamg'armalarini tashkil etish keng tarqalgan. Bunday jamg'armalar, odatda, yo'l foydalanuvchilari tomonidan to'lanadigan yig'imga, soliqlar va maqsadli daromadlar hisobiga shakllantiriladi hamda yo'l sohasini uzluksiz va maqsadli moliyalashtirish imkonini beradi.

Yo'l foydalanuvchilarning to'lovlari to'g'ridan - to'g'ri harakat qatnashchilaridan undiriladigan soliq va yig'imlarga tegishli bo'lib, ularga yoqilg'i solig'i yoki yig'imlar, Respublika hududiga transport vositalarini olib kirganlik uchun va chet el transport vositalari boshqa davlat hududidan o'tgandagi boj tulovlari hamda boshqa shu kabi yig'im va bojlar hisobiga shakllanadi.

Respublikamizda 2019 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlar prognozini ko'rib chiqilishi jarayonida, davlat maqsadli jamg'armalariga majburiy ajratmalar bekor qilindi va ayrim jamg'armalar tugatildi, ayrimlarida ilgari bajarib kelingan funksiyalariga o'zgartirish kiritildi. Ushbu qaror asosida Vazirlar Maxkamasi huzuridagi Respublika yo'l jamg'armasi Transport vazirligi huzuridagi Avtomobil yo'llari qo'mitasi tasarrufiga o'tkazildi. Shuningdek, yo'l xo'jaligi sohasidagi qurilish, rekonstruksiya qilish, ta'mirlash va jihozlash bo'yicha manzilli dasturlarni moliyalashtirish va kelishish hamda avtomobil yo'llaridan